

2023: International Conference on Research Identity,  
Value and Ethics (USA)  
<https://conferenceseries.info/index.php/ICRIVE/issue/view/13>

**ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ МУХИТИДА БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ  
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КРЕАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН  
ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ**

*Тадқиқотчи Арзиев Ш.*

Мутахассис олимларнинг фикрларига асосланган ҳолда “Креативлик” атамаси гайриоддий – ўзига хос, сифат-фойдаликни ўзида мужассам этган уюшган тушунчадир.

Жисмоний тарбия таълим йўналиши талабаларининг жисмоний тарбия дарсларида креативлигини ошириш жараёнида таълим воситаларидан самараали фойдаланишга эришиш мухим роль ўйнайди

Таълим воситалари: матнли воситалар: ўкув дастурлари, дарслик, тарқатма материаллар, маъруза матнлари, методик қўлланмалар, даврий матбуот материаллари, бадий, оммабоп адабиётлар; аудиовизуал воситалар: компьютер, Smartboard, E-minbar, проектор, веб камера, микрофон.

Тасвирили воситалар: фотосуратлар, альбомлар, жадваллар, портретлар, хариталар, тасвирий санъат асарлари, ахборот воситалари; асосий воситалар: маҳсус жиҳозланган хоналар, тил муҳити; ёрдамчи воситалар: доскалар (оқ доска, магнит доска), «Pinboard» доскаси, флипчартлар.

Юқоридаги фикрларни аниқ мисолларда кўрсатиш мақсадида «Жисмоний тарбия» фанининг амалий машғулотлари бўйича яратилган ўкув услубий қўлланма ва электрон ўкув қўлланма асосида ўрганиш методикаси ёритилади.

Бу машғулот бўйича анъанавий методикада ўқитувчилар ўкув материалини баён этувчи кўргазмали қуроллар ва плакатлар ёрдамида тушунтиради. Биз ишлаб чиқсан услубий қўлланма асосида дарс ўтиш методикасида, амалий машғулотларни компьютер технологиялари ёрдамида намойиш этиш, инглиз тилидаги жисмоний тарбия фанига оид тил сатҳларига оид мавзуларини виртуал реаллик асосида On-line курс мультимедиали воситалардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориши имкониятини ҳам беради. Бу эса ўқитувчиларга қисқа вақтда кенг қамровли тингловчилар аудиториясини жалб қилиш имкониятини беради.

Бундан маълумки, мазкур жараён самарадорлигини ошириша бир қатор жисмоний тарбия фанига оид мавзулар тилнинг аспектлари кетма-кетлигини (Phonetic- Lexicology - Grammar) ўрганиш лозим. Бу методикада ушбу жараён компьютер технологиялари ёрдамида кўрсатилиб, тушунтирилиб борилади ва шу тарзда ўқитишни кўргазмалилик принципига таянган ҳолда талабаларда онгли равишда амалий жиҳатдан материалларини ўзлаштириши таъминланади. Натижада талабаларда ушбу машғулотни мазмунини тушунишга ва бу тушунча кўникмага айланана боришига замин яратилади. Талабаларнинг ушбу машғулот бўйича компьютерда мустақил шуғуланиши улардаги кўникмаларини малака даражасига етказишга имкон беради.

Шунингдек, «Жисмоний тарбия» фанининг амалий машғулотларини LMS таълимни бошқариш тизими орқали жисмоний тарбия фанига оид онлайн курсларни бошқариш

2023: International Conference on Research Identity,  
Value and Ethics (USA)

<https://conferenceseries.info/index.php/ICRIVE/issue/view/13>

ёрдамида таълим бериш шакли мазмунини осон ўзлаштиришга ва амалий машғулотларда талабаларни мустақил ишлаш кўнинмасини шакллантириш имкониятини беради.

Тажриба синов ишларини ташкил қилишда қўйилган мақсаддан келиб чиқсан ҳолда талабаларнинг билим даражасини уларнинг келажақдаги фаолиятни эътиборга олган ҳолда аниқлаш вазифаси қўйилган эди.<sup>1</sup>

Тажриба синов ишини мақсади электрон ўкув қўлланмани педагогик технологияни таълим жараёни амалиётга жорий этиш йўлларини аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Тажриба ва назорат гуруҳларида таълим жараёнининг фарқи шундан иборатки, назорат гурухида талабалар билан машғулотлар анъанавий методлар ёрдамида олиб борилди, тажриба гурухида эса тадқиқотчи томонидан таклиф қилинган компьютер учун тайёрланган мулоқотли дастурлар воситасида таълим берилди. Унинг мазмуни бугунги кунда тобора оммалашиб бораётган ва таълим жараёнида муваффақиятли қўлланилиб келинаётган электрон ўкув қўлланманинг таълим жараёни амалиётга жорий этиш йўлларини аниқлаш ҳамда таълим амалиётида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мухим педагогик зарурият эканлигини талабалар онгига сингдиришдан иборат.

Талабаларнинг билим ҳамда қасбий фаолиятга бўлган мойилликлари даражаси амалий муаммоларни мустақил ҳолда ижодий ечимини топишларида, ўрганилаётган манба (мавзу, фан, жараён, ходиса) нинг аҳамиятини илмий англаб, мақбул равишда талабалар интелектуал мулкига айлантириши орқали аниқланади.

«Жисмоний тарбия » фанида талабаларда жисмоний тарбия фанига оид креатив компетентликни шаклланишида виртуал технологиялардан самарали фойдаланиш ижобий натижаларга эришишни кафолатлаш билан бирга талабаларда қўйидаги малакаларни шакллантиради:

– мазкур технология анъанавий ўқитиш технологиясидан кескин фарқ қилиб, унинг ёрдамида ўрганилаётган мавзу бўйича кўпроқ, чуқур, батафсил маълумотга эга бўлиши мумкин; зеро, мазкур технология тез, аниқ, қизиқарли ва якуний натижага (босқичга) оптимал эришини кафолатлади;

– ишлаб чиқилган компьютер анимацион дастури универсал дидактик восита бўлиб, ундан фойдаланган ҳолда ўқитишни бошқариш алгоритмини амалга ошириш мумкинлигини таъминлади.

Ўкув фани экспертизасидаги иккинчи босқич – тегишли бўлимлар таркибига кирувчи қийматларнинг нисбий аҳамиятини аниқлашдан ташкил топади. Ҳар бир бўлимни ички қисмидаги аҳамиятининг умумий нисбий қиймати 100% деб ҳисобланади.

Кейинчалик, ушбу кўринишдаги рейтинг баҳолашнинг кетма–кетлиги тегишли мавзуларга мос келувчи таркибга киритиладиган масалаларга нисбатан амалга оширилади.

“Жисмоний тарбия” фан соҳасининг эксперт натижалари. Куйида “Фан соҳасининг экспертизаси” компьютер дастури ёрдамида амалга оширилган эксперт баҳолаш натижаларини келтирамиз.

<sup>1</sup> Маркова, А.К. Формирование мотивации учения / А.К. Маркова, Т.А. Матис, А.Б. Орлов. - М. : [б.и.], 1990. – 270 с.

2023: International Conference on Research Identity,  
Value and Ethics (USA)  
<https://conferenceseries.info/index.php/ICRIVE/issue/view/13>

Аудитория машғулотлари Давлат таълим стандарти таркибига киритилган намунавий ўқув дастурларнинг 50%дан кам бўлмаган қисмини ўз ичига қамраб олиши талаб қилинади, шу билан бирга, материалларнинг тахминан ярми бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг мустақил ишлари сифатида қайд қилиниши мумкин. “Жисмоний тарбия” фан соҳасининг ишчи дастурлари учун материалларни танлаб олиниши ҳолатида, намунавий ўқув дастурлари таркибий қисми маъruzalar ва амалий машғулотлар шаклида келтирилиши талаб қилинади.

Ушбу ўқув фанини эксперт баҳолашни амалга ошириш натижалари таркибий элементлар ўртасидаги ўзаро ички модулга оид бўлиб, предметлараро ўзаро алоқадорликларни квалиметрик тавсифлаш имконини беради. Шундай қилиб, биз, квалиметрик хоссага эга ва республика миқёсида Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ бўлган таълимнинг якка тартибдаги услугбий тизими таркибига мувофиқлик асосида таъминлаш имконини берувчи, ўқув элементларининг таркибий аҳамият (салмоғи) қийматини эксперт орқали баҳолаш асосида ишчи ўқув дастурини бошлангич модул тавсифида тузиб чиқиш амалга оширилади. Шу билан бирга, ўқувчиларда мукаммал билимларни шакллантиришнинг имконини берувчи, ўқитиши, таълим беришга оид жараёни самарадорлигини кафолатлаш учун педагогик объектларни лойиҳалаштиришда кластер услугидан фойдаланиш ва ҳар бир фан соҳаси дастурига оид, дидактик масалларга оид (муаммоли) кластерлар ишлаб чиқилиши талаб қилинади<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, кластернинг динамик характерга эга бўлиши, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисига ўзлаштирилаётган битта компетенциядан бошқасига ўтиш ҳолатининг кийинлиги билан тавсифланадиган турли хил таркибий элементлар қийматига нисбатан яққол тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Salohiddinova, N. (2019). Zebo Mirzo's poetry and image. International Journal on Integrated Education, 2(6), 115-118.
2. Salokhiddinova, N. I. (2019). EXPRESSION OF A PASSION FOR POETRY BY ZEBO MIRZO. Theoretical & Applied Science, (12), 227-230.
3. Салохиддинова, Н. И. (2020). Вопросы поэтического образа в поэзии. ББК: 71.01 К 90, 203.
4. Akramova, L. Y., Mirzaeva, S. R. K., & Botirovna, D. (2020). The role of interactive teaching methods in the development of mentalactivityand the assimilation of students' knowledge ata university. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(09).
5. Махаметова, Д. Б. (2017). The formation of communicative competence during the learning process of the English language. Молодой ученый, (11), 326-328.
6. Dilnavoz, M. (2019). Peculiarities of teaching foreign languages with Moodle-based E-learning courses. Academy, (7 (46)), 62-64.
7. Mahametova, D. B. (2019). Specificities English Language Non-Academic Hours. Eastern European Scientific Journal, (1).
8. МАНАМЕТОВА, Д. Б. (2018). PROJECT METHOD IN DEVELOPMENT OF STUDENT'S PRACTICAL SKILLS AT NON-ACADEMIC HOURS OF THE ENGLISH LANGUAGE. Иностранные языки в Узбекистане, (2), 165-170.

<sup>2</sup> Лернер И.Я. Проблемное обучение. – М.: Знание, 1974. – 189 с.